“Андижон биокимё заводи” АЖ нинг
2016 йил 30 июндаги акциядорларнинг йиллик
умумий йиғилиши қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”
Кузатув кенгаши раиси:
_____
А.К.Гаффоров

“Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамиятининг “МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА”ги НИЗОМИ

Андижон шаҳри-2016 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур низом Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилиги, “Andijon biokimyo zavodi” акциядорлик жамиятининг (кейинчалик матнда- Жамият) Низоми ва корпоратив бошқарув Кодексига мувофик ишлаб чиқилди ва Жамиятда пайдо бўладиган манфаатлар келишмовчилигини аниқлаш ва хал этиш тартибларини белгилаб беради.

1.2. Жамият фаолиятини амалга оширишда Жамиятни мулкий ёки бошқа манфаатлари (уни бошкарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари) ва кредиторларни, контрагентларни, бошқа мижозларни (кейинчалик матнда- Мижозлар) ўртасида манфаатлар келишмовчилиги пайдо бўлиши мумкин, бунда Жамиятни бошқарув ва назорат органларини ёки уни ходимларини харакати (харакатсизлиги) натижасида Мижозни қонуний хуқуқ ва манфаатларини бузилганлик холатларига йўл қўйилган бўлиши мумкин.

Бундан ташкари, Жамият акциядорлари манфаатлари ўртасида (корпоратив келишмовчилик), бошқарув ва назорат органларини ва акциядор (акциядорлар) ўртасида манфаатлар келишмовчилиги пайдо бўлиши мумкин.

1.3. Мазкур низомда манфаатлар келишмовчилигини қуйидаги пайдо бўлиш холатлари кўрилади:

- мажоритар акциядорлар (йирик акция пакетлари акциядорлари) ва миноритар акциядорлар (кўп бўлмаган акция пакетлари акциядорлари) ўртасида
- Жамиятни бошқарув органлари ва акциядор (акциядорлар) ўртасида
- Жамиятни бошқарув органлари ва назорат органлари ўртасида, Жамиятни мансабдор шахслари, ходимлари ва Мижозлар ўртасида
- Жамият ва хизмат вазифаларини бажаришда мансабдор шахслар, ходимлар ўртасида.

II. НИЗОМ ТАЪСИРИГА ТУШАДИГАН ШАХСЛАР

2.1. Низом қоидалари Жамиятни бошқарув ва назорат органлари, шунингдек уни барча ходимларига эгаллаб турган лавозимидан катъий назар таълуқли.

2.2. Мазкур низом қоидаларига риоя этиш талаблари Жамият билан фуқаролик хуқуқий шартнома асосида хамкорлик қилаётган жисмоний шахсларга хам таълуқли, агар тегишли мажбуриятлар улар билан тузилган шартномага киритилган бўлса ёки тўғридан-тўгри қонундан келиб чиқса.

III. ЖАМИЯТДА МАНФААТЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИНИ АСОСИЙ БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

3.1. Жамиятда манфаатлар келишмовчилигини бошқариш қуйидаги тамойилларга асосланади:

- хақиқий ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган манфаатлар келишмовчилиги хақидаги маълумотларни ошкор этиш зарурлиги
- Жамият обрўсига боғлиқ хавфларни бахолаш ва якка тартибда кўриб чиқиш, хар бир манфаатлар келишмовчилиги аниқланганда уни тартибга солиш
- манфаатлар келишмовчилиги ва уни тартибга солиш хақидаги маълумотларни ошкор этиш жараёнида катъий махфийликни сақлаш